

шорихларидан Ибн Хажар ал-Аскалоний (рахматуллохи алайх) «Фатх ал-Борий»да Абу Жамра (розияллоху анху)нинг форс тилини билгани боис Ибн Аббос (розияллоху анху) олдида таржимон бўлиб турганини кайд килган (Ибн Хажар ал-Аскалоний. Фатх ал-Борий. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1379. – Б. 130).

Бу хилдаги маърузаларда Куръон оятлари ва саҳих ҳадиси шарифлар ҳам айтилган ва у араб бўлмаганларга таржима килиб берилганлигига шубҳа килмаса ҳам бўлади.

Форслар саҳобалардан бири Салмон Форсий (розияллоху анху)дан Фотиҳа сурасини форс тилида ёзиб беришни сўраганлар (Шамсиддин ас-Сарахсий. «Китоб ал-Мабсут». 1-жилд. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1989. – Б. 37). Ул зот мазкур суранинг форсчасини ёзиб, уни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га бир кўрсатиб олганидан сўнг сўраганларга юборилгани манбаларда кайд килинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Куръони Карим маъноларини бошқа тилларга, айниқса, форс тилига таржима килиш мумкинлигини илк бор ханафий олимлар ёклаб чиққанлар. Энг қувонарлиси, Куръонни форс тилига таржима килиш мумкинлиги борасидаги расмий фатво Бухоро факихлари томонидан чиқарилган.

345 хижрий – 956 мелодий йилга келиб, Бухоро ҳукмдори сомонийлар сулоласи вакили Мансур ибн Нух ас-Сомоний уламолар жамоасига Куръони Каримни форс ҳамда шарқий ва гарбий туркий тилларга маъно таржима килишга расман буйрук берган. 961-976 йилларда эса Бухорода Имом ат-Табарий (рахматуллохи алайх)нинг тафсири форс тилига тўла таржима килинганлиги шарқшунослар томонидан аниқланган (Боровков А. «Лексика среднеазиатского тафсира XII-XIII вв». – Москва: Восточная литература, 1963. – С. 11).

Имом ат-Табарий (рахматуллохи алайх) тафсирининг мазкур форсий таржимаси муқаддимасида қуйидаги воқеа баён килинган:

«Бу китоб улуг тафсирдир! У Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий (рахматуллохи алайхи)нинг ривоятдан олинган бўлиб, форсий тилига таржима килинган. Бу тўғри йўлдир! Бу китобни Бағдоддан қирк жилд холида келтирилган, араб тилида узундан-узук иснодлари билан бирга ёзилган бўлган. Амир Саййид Музаффар Абу Солих Мансур ибн Нух ибн Наср ибн Ахмад ибн Исмоил (рахматуллохи алайхим) ажмаъин олдида уни олиб келдилар. Шунда ушбу китобни ўқиш, уни араб тилидан тушуниб олиш қийинчилик тугдирди. Шунинг учун уни форс тилига таржима килдиришни хохлади. Бас, Мовароуннахр уламоларини бир жойга тўплади ва улардан: «Ушбу китобни форс тилига таржима килиш жоиз бўладими?» деб фатво сўради. Улар: «Куръоннинг тафсирини араб тилини билмайдиган кимсалар учун форсий ёзиш ва форс тилига таржима килиш раво бўлади!» дедилар. Бу Худой азза ва жалланинг гапи бўлгани учундир:

{4} ... □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□

«Мен ҳеч бир Пайгамбарни юбормадим, магар ўз қавмининг тили билан юбордим» (Иброҳим, 4), деган. Улар бу тилни билганлар, бошқалар эса Одам атодан то Исмоил (алайхиссалом) давригача қадимдан форс тилини ҳам билиб келганлар. Барча пайгамбарлар ва подшоҳлар форсча ҳам гапирганлар. Энг биринчи форс тилида сўз гапирган киши Исмоил Пайгамбар бўлган. Бизнинг Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) араблардан чиққан, бу Куръон эса араб тилида унга юборилган. Бу диёрлар форс тилида гаплашади, бу ернинг подшоҳлари ҳам ажам подшоҳларидир. Бас, музаффар подшоҳ Абу Солих бугругига кўра Мовароуннахр уламолари тўпланди. Бухоро шаҳридан Факих Абу Бакр ибн Ахмад ибн Хомид, Халил ибн Ахмад ас-Сижистоний, Балх

шахридан Абу Жаъфар ибн Мухаммад ибн Али, Хинд тарафдан Факих ал-Хасан ибн Али Мандусий, Абулжаҳм Холид ибн Хонеъ ал-Мутафаккихни ҳамда Исбижоб, Фаргона ва Мовароуннахрда бор бўлган барча шаҳарлардан. Буларнинг барчаси ушбу китобнинг таржимаси тўғри йўл эканига хат ёзиб бердилар. Бас, улуг амир, музаффар подшоҳ Абу Солих ушбу уламолар жамоасига буюрдикки, мазкур китобни таржима қила оладиган бир инсонни, ўзларининг орасидан энг фозили ва олимини танлаб берсинлар ...» (Иктибос бундан: Забихуллох Сафо. «Тарихи адабиёт дар Эрон». 1-жилд. – Техрон: Интишороти фирдавс, 1371. – Б. 619-620).

Таникли мутасаввиф олим Абдуллох ал-Ансорий (рахматуллохи алайх) 1126 мелодий йилда Куръони Каримнинг форсий тафсирини яратган бўлиб, унда ўзидан олдин таълиф қилинган юздан ортиқ форсий тафсирлардан истифода қилингани таъкидланган. X аср бошларида мўътазилий олимларидан бири Абу Али ал-Жуббой (рахматуллохи алайх) томонидан битилган тафсирнинг эса кўпчилик олимлар форс тилида бўлган деса-да, бироқ айрим мутахассислар туркий тилда бўлганини кайд қиладилар. Лекин шу пайтгача Абу Али ал-Жуббой (рахматуллохи алайх) Куръоннинг маъно-таржимасини қилганликда айбланган эмас.

Бугунги кунда топилиб, нашр қилинган туркий тафсирларнинг энг қадимгиси 1914 йилда Карши шахридан топилган, хозирда Санкт-Петербургда сақланадиган, илмий доираларда «Ўрта Осиё туркий тафсири» номи билан танилган тафсирдир. Уни олимлар XII-XIII асрларга оид деб биладилар. Мазкур тафсир факсимелеси Ўзбекистонда 2000 йилда Тошкентда нашр қилинган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (рахматуллохи алайх) буюртмаси ва таклифи билан Мавлоно Хусайн Воиз Кошифий (рахматуллохи алайх) Куръони каримни бир эмас, икки марта форс тилида тўлиқ тафсир қилиб чиққан.

Таникли мутасаввиф Мавлоно Яъқуб Чархий (рахматуллохи алайх) XV асрда Куръони Каримнинг охириги икки порасини форс тилида тафсир қилган бўлиб, айна тафсир орадан юз йил ўтмасданок туркий тилига таржима қилинган. Ушбу таржима 2010-2011 йилларда Ўзбекистонда нашр қилинди.

XIX аср охирида Хоразмда Мухаммад Рахимхон Феруз (рахматуллохи алайх) буюртмасига кўра Куръони Каримнинг ўзбек тилидаги тафсири яратилгани ҳам маълум. Унинг ҳамма жилдлари топилиб, замонавий наشري амалга оширилса бўлади.

Демак, Куръони каримни араб тилидан бошқа тилларда маъно таржима ва тафсир қилиш узок асрлардан қолган диний қадрият ва миллий анъана экан!

Аллох таоло Куръонни нозил қилар экан, одамларни Куръон оятларини ўқиб, тааммул ва тадаббур қилишларига чакиради. Ундаги оятлар маъноларини чуқур англаб, тафаккур қилиб, маъноларни тушунишга ҳаракат қилишга даъват қилинади. «Тадаббур» Куръонни диққат-эътибор билан, маъно-мазмунларининг мағзини чакиб, ҳар бир оят қалималари, жумлалари маъносини тушунишга қатта эътибор қаратиб ўқишдир. Жумладан, Сод сурасида қуйидагича хабар келтирилган:

□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□
{29} □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□

«Биз сенга нозил қилган Китоб муборакдир. Ақл эгалари унинг оятларини тадаббур қилишлари ва эслашлари учундир» (Сод, 29).

Юқоридаги ояти каримада оятларни тадаббур ва тааммул қилувчилар гарчи «улул-албоб» деб кайд қилинган бўлса-да, бироқ бошқа оятларда тадаббур қилишга мутлақ чакирилади:

{82} «Куръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллохдан бошканинг хузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар» (Нисо, 82).

{24} «Куръонни тадаббур ила ўйлаб кўрмайдиларми?! Ёки калбларда кулфлар борми?» (Мухаммад, 24).

Юкоридаги ояти карималардан Куръони Карим оятларини тадаббур ва тааммул килиш учун унинг маъноларини билиш керак бўлади. Араб тилини билмайдиганлар умр бўйи тадаббур ва тааммулдан махрум бўлиб қолаверадиларми? Йўқ, албатта. Уларнинг ҳам Куръонни тадаббур килиб ўқишлари учун уламолар уларга тушунтириб беришлари лозим. Уламолар барча мусулмонларга огзаки равишда Куръон оятлари маъноларини тушунтириб бера олмайдилар. Демак, шу жihatдан олиб караганда ҳам, олимлар хар хил савиядаги, хар хил замон ва макондаги мусулмонларга мўлжалланган оятлар маъноларининг таржималарини яратишни йўлга кўйишлари керак бўлади. Хар бир пайгамбар ўз кавмининг тилида юборилган. Бизнинг Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) эса жумла инсониятга, киёматгача келадиган одамларга Пайгамбар килиб юборилмишдир:

{4} ... «Кайсики расулни юборган бўлсак, баён килиб бериши учун, ўз кавми тили ила юборганмиз» (Иброхим, 4).

Пайгамбарнинг рисолати башарият оммасига бўлар экан, араб кавмига арабча етказилади, бошка миллат ва тиллардаги кавмларига эса таржима тарикасида етказилади. Ушбу таржима йўсинидаги рисолат ва даъват асл макомига ўтади. Пайгамбар (алайхиссалом)дан кейин у Зотнинг ишларининг давомчилари уламолар экан, даъват ва таблиг ишлари арабларга араб тилида, бошкаларга эса ўшалар тилларида олиб борилади. Бу холатни Куръони Каримни форс тилида шарх килган, Темурийлар даврининг энг таникли олимларидан бири, Алишер Навоий (рахматуллохи алайх) ва Абдурахмон Жомий (рахматуллохи алайх)дек мутафаккирларнинг хурматига сазовор бўлган ҳамда ёзган тафсири 5 асрдан зиёдрок мадрасаларда кўлланма бўлиб келган зот Хусайн Воиз Кошифий (рахматуллохи алайх) куйидагича тушунтирган:

«Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) хазратлари ўз давридаги хозир бўлганларга Куръонни бу ерда бўлмаган гоибларга етказишни амр килганлар, чунончи, «Гувох бўлган кимса гоиб кимсага етказсин!» деганлар. Демак, ажамга араб тилини билиш, арабга ҳам ажам лугатларидан биридан бохабар бўлиш лозим бўлди. Токи, таблиг – етказиш таржима йўли билан мумкин бўлсин. Ана шу сабабга кўра, Куръони Карим нурларининг ёгдуси бўлмиш шариат тонггининг таъсири барча уфклардан порлаб чиксин. Араб ҳам, ажам ҳам ушбу карам дастурхонидан ўз кадри холига кўра насиба ола билсин» (Хусайн Воиз Кошифий. «Жавохир ат-тафсир ли-тухфат ал-Амир». ЎзР ФАШИ кўлёмаси, № 3606. – В. 19а-б).

Шунингдек, айтганимиздек, динни – Куръонни барчага огзаки тарзда етказиб бўлмайди.

Илм олиш эса фарзи айн хисобланади. Араб тилини ўрганиш ҳаммага фарз эмас, бироқ масалан фикхни ўрганиш ҳаммага фарз. Демак, кайси тилда бўлмасин, шариат ахкомларини оммага етказиш уламоларга фарз бўлаверади. Шариатни оммавий етказишнинг бир йўли эса ёзма равишда бўлишидир.

Юқоридаги тақриротлардан шу нарса маълум бўладики, ҳар бир даврда, ҳар бир маконда, турли-туман одамларнинг савияларига қаратилган Куръони Каримнинг араб тилидан бошқа тиллардаги маъно таржималари ва тафсирилари ёзилиши керак бўлган ишдир. Бу муборак ишни қўллаб-қувватлаш, лозим ва лобуд иш, деб баҳолаш керак. Шунинг учун ҳам туркий халқлар орасида ҳам узок даврлардан бери ҳозиргача Куръони Каримнинг маъно таржима ва тафсирилари яратилиб келмоқда, бу хилдаги маъно таржима ва тафсирилар ҳали қиёматгача давом яратилаверади.

Ҳамидуллоҳ Беруний